

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати,
баркамол авлод тарбияси борасида маданият соҳасидаги кенг қўламли
ислохотлар натижалари.**

Матякубов Шавкат Батирович

**Ўзбекистон давлат консерваторияси, анъанавий ижрочилик
кафедраси катта ўқитувчиси.**

Телефон: (+99894)615-37-66. Email – shavkat7821@mail.ru

Ёшлар сиёсати давлат фаолиятида устивор йўналиш бўлиб, бутун жамият манфаатларида ёшларнинг ривожланишига, уларнинг ижодий салоҳиятини оширишга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шароитларни ва ижтимоий тикланиш учун кафолатларни яратишга йўналтирилган. Ўзбекистонда ёш авлодни қўллаб-қувватлашга, маънавий тарбиялашга, маданий бойитишга ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ жуда катта эътибор берилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатлар бунинг қонунчилик асоси бўлиб хизмат қилади. Шу жумладан 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикасида давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида”ги 429-ХП-сонли Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда қабул қилинган “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-805-сонли Қарорилар шулар жумласидандир.

Давлат томонидан ўрта махсус ва олий ўқув юртларида маданият ва санъат соҳасида профессионал кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда Республикада фақатгина Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида 20 та санъат ва маданият коллежлари ҳамда академик лицейлари, 3 та олий таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда бу таълим муассасаларида жами 15 минг 441 нафар ўқувчи ва талаба таълим олмоқда.

Санъат ва маданият соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлашга Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 04.06. 2012 йил 1771- сон қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби йўналтирилган.

Республика таълим муассасаларидаги ўқитиш услубиятининг асосий устивор йўналиши этиб ёшларда гўзалликка муҳаббат, миллий маданият ва санъат меросларини билиш ва ҳурмат қилиш туйғуларини шакллантириш ҳамда замонавий санъатнинг янги турлари билан таништириш вазифалари қўйилган. Ўқитиш услубида “Устоз-шогирд” анъаналари кенг жорий этилмоқда. Бунинг негизида Ўзбекистондаги маданият ва санъат усталари томонидан ўсиб келаётган авлодга ўз тажрибалари ва малакаларини етказиш амалиёти турибди. Ўқув тизимида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг машҳур санъат усталари иштирокида ўтказиладиган мастер-класслар ҳам анъанавий тус олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-555-сонли фармонида асосан ҳукумат томонидан 2008 йил 13 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 226-сон қарори иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бу ҳужжатларга асосан, Республика танловларида биринчи ўринларни ва халқаро танловларда 1-4 ўринларни эгаллаган лауреат-совриндорлар соҳа олий таълим муассасаалрига тест ва қўшимча имтиҳонларсиз кириш имкониятига эгадирлар.

Ёшлар иқтидорини кашф этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор республика танловлари ва фестиваллари мавжуд. Булар қаторида – ўрта-маҳсус таълим муассасалари ўртасида ёш ижрочиларнинг Республика танлови, болалар мусиқа ва санъат мактаблари (улар Республикамизда 278 та халқ таълимига қарашли бўлиб учта академик лицейлар: В.Успенский, Р.Глиэр номидаги ва Чилонзор мусиқа ва санъатга ихтисослашган лицейи)

Ўқувчилари ўртасида Республика танлови, Мукаррама Турғунбоева номидаги Республика рақс танлови, “Санъат ғунчалари”, “Янги авлод”, “Келажак овози” каби республика танлов-фестивалларидир.

Охириги 10 йил давомида 463 та соҳа бўйича ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари дунёнинг ҳар хил мамлакатлари ҳамда Ўзбекистонда ўтказилган фестивал ва танловлар лауреатлари бўлдилар. Уларнинг 129 нафари олий таълим муассасалари талабалари, 356 нафари ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларидир.

Истеъдодли ёшларни мусиқа ва эстрада санъати соҳасида юзага чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашдаги муҳим воқеалардан бири Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2000 йил 25 августда таъсис этилган “Ниҳол” мукофоти ҳисобланади. Бу йил 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган ушбу кўрик-танловда 10 688 нафар иштирокчи қатнашди.

Ҳозирги кунга келиб 147 нафар иштирокчи “Ниҳол” мукофоти совриндори бўлди. Ижодий таълим муассасаларининг талаба ёшлари ҳам “Барҳаёт наволар” кўрик-танлови, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали каби йирик тадбирларда фаол қатнашиб келмоқдалар.

Шунингдек, ёш истеъдод соҳибларида тасвирий санъат, фотосанъати ва амалий безатиш санъатида ўзларини намойиш этишлари учун қатор халқаро ва республика миқёсидаги лойиҳалар мавжуд. Улар орасида ҳар йил ўтказиладиган “Навқирон ўзбекистон” – анъанавий ва замонавий санъат фестивали, “Тошкентале” – Тошкент халқаро фотосуратлар биеннаlesi, Халқаро болалар расм биеннаlesi, “Топ-арт”, “Тасвирий санъат +5” ҳафталиги ва бошқа кўплаб фестивалларни айтиш мумкин. Буларнинг бариси айниқса ёшлар орасидан Республикадаги бадиий ижод муаллифларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ёшларнинг маънавий тарбияси ва мамлакатимиз ёш авлодининг ижодий ривожига Республика театрлари муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда Республикада 37 та профессионал театр фаолият юритиб, уларда ҳар йили

150 дан ортиқ спектакллар сахналаштирилади. Ёш актер ва истеъдодлар Республика театр сахналарига мазкур соҳа ўқув даргоҳларидан, шунингдек, Республика катта театрлари қошидаги мактаб-студиялардан етишиб чиқмоқда. Хусусан Самарқанд вилоят мусикали-драма театрида, Республика ёш томошабинлар театри ва “Дийдор” театр студиялари узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда, Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театрида 10 йилдан бери опера-балет студияси фаолият кўрсатиб, у ерда болалар 6 ёшдан асосий мусикий ва хореографик таълим оладилар ва бевосита театр спектаклларида қатнашадилар. Мазкур театрда стажерлик гуруҳи ҳам мавжуд бўлиб, у ерда Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Тошкент миллий ракс ва хореография олий мактабида таҳсил олувчи ёш солистлар ҳам ўз тажрибаларини оширишлари мумкин.

Янги номлар “Хумо” (1998 йилдан бери), “37+1”, “Theatre. Uz” (2010 йилдан бери) каби халқаро фестиваллар, “Дебют” (2005 йилдан бери) – ёш режиссёрлар фестивали, шунингдек, кўғирчоқ театрлари Республика фестивали ва бошқаларда ўзларини ёрқин намоеън этмоқдалар. 2012 йили бу рўйхатни мамлакатнинг 16 театрини қамраб олган “Сени қуйлаймиз замондош!” республика кўрик-фестивали давом эттирди. 2012 йил сентябр ойида “Theatre. Uz-2012” халқаро театр фестивали, “Золотой Гепард” халқаро кинофоруми каби тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад – театр санъатини ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни шу соҳада қўллаб қувватлашдир. Хусусан, “Дебют” ёш режиссёрлар фестивалида қатнашган 25 дан ортиқ ёшлар ҳозирда Республика театрларида фаол иш олиб бормоқдалар.

Ёшларни эстетик ва маънавий тарбиясида Республика музейлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 113 та музей мавжуд. Улардан 98 таси (51 таси катта музейларнинг филиали ҳисобланади) Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида бўлиб, 4 та музей ЎзР Фанлар Академияси қошида, 2 та музей ЎзР Бадий

Академияси қошида ва 7 та музей бошқа вазирлик ва ташкилотлар қошида иш олиб боради. Ҳар бир музей йўналишидан қатъий назар ўзининг ёшлар билан ишлаш дастурини ишлаб чиққан. Бу ерда мактаб ўқувчилари учун мавзули дарслар, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид махсус экскурсиялар, маълум тарихий давр, фан, маданият ва санъат соҳасидаги машҳур кишиларнинг таваллуд топган кунларига оид тадбирлар бўлиб ўтади. (Уй-музей дастурлари ва халқаро музейлар кунда очик эшиклар кунлари, экспозицион концертлар ва ҳ.к).

Ҳар бир ёш нозик навда мисоли. Унинг тўғри ўсиши, маънавий жихатдан етук ва баркамол бўлиб вояга етиши муҳимдир. Юртимизда бу борада барча шароитлар мавжуд. Санъат ва маданият соҳасидаги имкониятлар эса ёшларимизнинг дунёқараши кенг, ақли теран, диди нозик комил инсон бўлиб вояга етишига имкон беради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келажакда Ўзбекистон энг ишончли қўлларда.